



№ \_\_\_\_\_

**Олий таълим муассасалари  
ректорлари ва филиаллар  
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг **ўттиз биринчи** ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини “Дунёни забт этиб...” мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 12 бет.

**Ҳурмат билан,  
“Маънавият ва маърифат”  
маркази директори**

**О.А.Худайназаров**

**“Дунёни забт этиб...” “Ахборот ва мураббийлик соати”  
машғулотларининг 1-босқичи материаллари.\***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР  
МАЪЛУМОТЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА  
ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ  
СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-elektr-energetika-tarmo-ini-yanada--27-03-2019>

**ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби Амирлиги валиахди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 24 март куни расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларига келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 25 март куни Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таомилга кўра, дастлаб Абу-Даби шаҳридаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбараси ва масжидини зиёрат қилди.

Шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён Бирлашган Араб Амирликларининг биринчи Президентиدير. У 2004 йили ўзи қурдирган мазкур масжид ёнида дафн этилган. Бугунги кунда ушбу масжид ва мақбара мамлакат аҳолиси учун табаррук масканга, хорижий делегациялар раҳбарлари ташриф буюрадиган мажмуага айланган.

Ушбу мажмуа дунёдаги энг катта масжидлардан бири бўлиб, қурилиш ишлари 1996 йилдан 2007 йилгача давом этган. Унда бир вақтнинг ўзида 40 минг киши намоз ўқиши мумкин.

Мажмуага ташриф асносида шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Президентимизга масжиднинг қурилиш тарихи, ўзига хос меъморий жиҳатлари, сайёҳлар ва зиёратчилар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берилди.

*\*Эслатма: Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқич 9 апрель – Соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темур (1336-1405) таваллуд топган кун ҳамда “Темур тузуклари” асарининг бугунги кун учун аҳамияти ҳақида талаба-ёшларга тушунтирилади.*

*Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга баҳамжиҳатлик фазилати ҳақида тушунча берилди, 4-босқичда – талабаларнинг қайси босқичдалигига қараб ойнинг бошида берилган китобларнинг бири ҳақида фикр-мулоҳаза юритилди. Ўқишига берилган китобларга якуний хулоса қилинади.*

Шавкат Мирзиёев мақбаранинг Зиёратчилар китобида дастхат қолдирди.

Давлатимиз раҳбари “Воҳат ал-Карома” ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

“Қадр-қиммат воҳаси” маъносини англатувчи ушбу ёдгорлик Бирлашган Араб Амирликлари озодлиги ва бирдамлиги учун қурбон бўлганлар шарафига бунёд этилган. Ёдгорлик бир-бирига таяниб турган 31 блокдан иборат бўлиб, раҳбарлар, ҳарбийлар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва қўллаб-қувватлаш рамзи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ёдгорликнинг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.

Учрашувда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада ўзаро тажриба алмашиш, делегациялар ташрифини йўлга қўйиш юзасидан келишувларга эришилди.

Абу-Даби шаҳридаги “Қаср ал-Ватан” саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари давлат мадҳиялари янгради.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев самимий қабул ва юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдириб, халқларимизнинг диний-маънавий қадриятлари муштарак экани, бу икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлишини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари тарихан қисқа даврда – эллик йилда сахро қўйнида мўъжиза яратиб, иқтисодиёт, инновация, савдо, молия ва туризм бўйича дунё марказларидан бирига айланганини, Ўзбекистон шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишдан манфаатдор эканини қайд этди.

Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Бирлашган Араб Амирликлари худуди кичик, лекин нуфузи ва имкониятлари жиҳатидан катта салоҳиятга эга мамлакат. Бу ерда саноат, ташқи савдо логистикаси, транспорт, туризм, фуқаро авиацияси, инновация ва ахборот технологиялари, банк ва молия соҳалари жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Амирликлар дунё маҳсулотларини минтақага реэкспорт қилаётган асосий транзит мамлакатдир.

Қулай географик жойлашув ва солиқ сиёсати мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими кириб келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, Амирликларнинг ўзи ҳам фаол ташқи инвестиция

сийёсати олиб бормоқда. 2018 йилда БАА хорижий давлатларга 12 миллиард доллар миқдоридан тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирган.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 25 октябрда ўрнатилган. Яқинда икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавқулудда ва мухтор элчиси тайинланди.

Мамлакатимизда БАА инвестициялари иштирокида 107 та корхона фаолият юритмоқда. Ушбу мамлакат фирма ва компанияларининг 28 та ваколатхонаси очилган. Улар асосан тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мева консервалари, полиграфия, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш йўналишларида иш олиб бормоқда.

2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми қарийб 400 миллион долларни ташкил этган.

Давлатимиз раҳбари бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ўсгани, лекин томонларнинг салоҳиятини ҳисобга олганда, етарли даражада эмаслигини таъкидлади. Шу боис музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, банк-молия, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Жорий йил 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – БАА ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи йиғилиши натижалари ижобий баҳоланди. Ҳукуматлараро комиссия олдида яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш, бунинг учун товар етказиб беришни кўпайтириш, хомашёни қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Икки мамлакатда ҳам туризм соҳасида улкан салоҳият мавжуд. Амирликлар аҳолиси буюк алломаларимиз мақбараларини зиёрат қилиш, табиатимиз манзараларидан баҳра олишга орзуманд. Ўтган йили БААдан юртимизга келган саёҳатчилар сони 1,5 баробар ўсди.

Президентимизнинг яқинда имзоланган фармонида мувофиқ, юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди. Бу Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида нафақат туризмни ривожлантириш, балки савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг икки томонлама имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан БАА ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Инвестициялар, молия, муқобил энергетика, sanoat ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, божхона маъмурчилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича

имзоланган хужжатлар алмашилди. Умуман, ташриф доирасида умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилгани маълум қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Самимий мулоқотда сиёсат, хавфсизлик, инвестиция соҳалари юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, энергетика ва инфратузилма йўналишида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, фан-технология ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давом этмоқда.

## **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БААГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ДАВОМИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 10 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ БЎЛГАН КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи юксалиб, барча давлатлар билан муносабатлари янада мустаҳкамланмоқда. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давомида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Давлатнинг мавқеи, халқаро майдондаги ўрни унинг ҳудуди ва нуфуси билан ўлчанмайди. Мамлакат довуғини унинг иқтисодий қудрати билан ҳам дунёга таратиш мумкин. Биргина Сингапур мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўраимиз, лекин Бирлашган Араб Амирликлари ҳам ана шундай асосли фикрнинг ёрқин мисоли бўла олади.

Дубай амирлиги мисолида оладиган бўлсак, у ҳам қисқа муддатда Сингапур каби дунёнинг молиявий, инвестициявий ва бизнес марказига айланди. Ҳеч бир мамлакатда “Ferrari” русумли автомобиль киши бошига ҳисоблаганда амирликка тенг келолмайди. Ёки бир кунда қабул қиладиган самолёт ва йўловчилар сонига кўра дунёда Дубай аэропортига тенг келадигани кам. Сайёҳлар энг кўп боришни орзу қиладиган жойлардан бири ҳам мана шу амирликдир. Шахсий бизнесини очмоқчи бўлганлар Дубайга борса, истаган миқдорда ўз манфаатига мос кредит олиши, инвестиция киритмоқчи бўлганлар бу ерга ҳеч қандай хавотирсиз кириб келиши мумкин. Биргина “Бурж Халифа” минорасининг ўзи қанча гапдан дарак беради.

Абу-Даби деганда фақат Амирликлар пойтахти эмас, балки араб дунёсида жуда катта нуфузга эга, ўзига хос маданият, спорт ва бизнес маркази назарда тутилади. Бу гўзал шаҳар ўзининг меҳмондўстлиги, бетакрор меъморий ечимга эга иншоотлари, саҳрода жойлашганига қарамасдан доим яшиллик барқ уриб, тоза ва намхуш ҳаво эсиб турадиган иқлими билан танилган.

Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликларини кўп асрлик тарихий-маданий, иқтисодий ришталар боғлаб туради. Мустақиллик

йилларида икки мамлакат муносабатлари қатор соҳаларда жадал ривожланди.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Жумладан, ушбу мамлакат делегацияларининг ташрифлари чоғида Амирликлар инвесторларини истиқболли лойиҳаларга кенг жалб этиш, нефть-газ, кимё, курилиш, қишлоқ хўжалиги, логистика, туризм, шаҳарсозлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича самарали музокаралар олиб борилди.

Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида 25 март куни Абу-Даби шаҳридаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбараси ва масжидини зиёрат қилди, “Воҳат ал-Карома” ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашувда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу борада ўзаро тажриба алмашиш, делегациялар ташрифини ташкил этиш юзасидан келишувларга эришилди.

Абу-Даби шаҳридаги “Қаср ал-Ватан” саройида Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари расмий делегацияларининг кенг ва тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси билан БАА ўртасида инвестициялар, молия, муқобил энергетика, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, божхона маъмуриятчилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида 26 март куни Дубай шаҳрида БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан музокара ўтказди.

Амирликларнинг йирик шаҳри Дубай инсоният илмий-техник тараққиётининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этган. Масалан, дунёнинг саккизинчи мўъжизаси, деб эътироф этилаётган Palm Islands сунъий ороллари инсон қўли билан яратилган энг йирик архипелаг бўлиб, ўзининг миқёси ва кўркемлиги билан ҳайратга солади. Бу ерда муҳташам меҳмонхоналар жойлашган. Сайёрамиздаги энг баланд осмонўпар бино – “Бурж Халифа” эса 11 кўрсаткич бўйича Гиннеснинг рекордлар китобига кирган.

Дубайда дунёдаги энг узун автоматлаштирилган метро тизими ва усти ёпиқ пиёдалар ўтиш йўлаги мавжуд. Саҳрода жойлашганига қарамай, шаҳарда жаҳоннинг энг йирик гуллар боғи барпо этилган. Бу ердаги пляжлар энг тоза деб тан олинган. Шаҳарга бир йилда ўртача 16 миллион киши ташриф буюриши бежиз эмас. Дубай бошқа соҳа ва йўналишларда ҳам кўплаб рекордларни забт этган.

Буларнинг барчаси очиқлик ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш сиёсати туфайлидир. Дубайнинг жадал ижтимоий-иқтисодий

таракқиётига кўп жиҳатдан шаҳар ва амирлик ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг ғоялари кучли туртки бўлди.

Ўзбекистон ҳам дунёга очилмоқда. Мамлакатимиз жадал ва изчил ривожланиш йўлидан бормоқда, бу жараёнда жаҳон тажрибасини ўрганиш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан инновацион, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш муҳим ўрин тутади.

Кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан “Заабил” саройида бўлиб ўтган учрашувининг асосий мавзуси бўлди.

БАА вице-президенти, Бош вазири давлатимиз раҳбарини самимий кутлаб, Абу-Дабида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувлардан мамнуният билдирди. Дубай амири ўз таракқиётининг янги босқичига қадам кўйган БАА Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев меҳмондўстлик ва истиқболли кўшма лойиҳалар қўллаб-қувватлангани учун самимий миннатдорлик билдирди ҳамда Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари, жумладан, Дубай амирлиги билан дўстликка асосланган муносабатларни мустаҳкамлашга тайёр эканини қайд этди.

Ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда қатор соҳаларда шериклик ва тажриба алмашишни кенгайтириш йўллари, турли даражаларда янги алоқалар ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди. Кўшма инвестицион компания ташкил этиш тўғрисида шартнома, Самарқанд шаҳри инфратузилмасини модернизация қилиш ва замонавий агрокластер ташкил этиш тўғрисида битимлар, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳаларида ҳамкорлик бўйича икки томонлама ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи, унинг доирасида имзоланган келишувлар мамлакатларимиз муносабатларида янги саҳифа очди. Томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилиши ва эришилган келишувларни қўллаб-қувватлаш бўйича яқдил фикрга келгани мамлакатларимиз манфаатига хизмат қилади.

## **ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР**

Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат котиби ўринбосари, сиёсий директори Янис Мажейкис бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда 28 март куни Ўзбекистон – Латвия вазирликлараро сиёсий маслаҳатлашувларининг 14 раунди бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакат делегацияларига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Дилшод Аҳатов ва Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат котиби ўринбосари, сиёсий директори Янис Мажейкис раҳбарлик қилди.

Музокараларда икки томонлама ҳамкорлик, БМТ доирасида, шунингдек, "Ўзбекистон – Европа Иттифоқи" шаклидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари атрофида муҳокама қилинди. Қатор халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон – Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган 1992 йилдан буён самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқаларни янада ривожлантиришга қизиқиш билдирилди.

Латвия мамлакатимизнинг Европа Иттифоқидаги асосий савдо шерикларидан. 2018 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми 429 миллион АҚШ долларидан ортиқни ташкил қилди. Бу 2017 йилга нисбатан 50 фоизга кўпдир.

Анжуманда товар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш орқали маҳсулот етказиб беришни диверсификация қилиш имкониятлари кўриб чиқилди. Бу борадаги вазифаларга ижобий ечим топишда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Латвия ҳамкорлик кенгашининг биринчи мажлисини ўтказиш муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Тадбирда туризм, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари экани таъкидланди. Ўзаро муносабатлардаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев Латвия делегацияси билан учрашди. Мулоқот чоғида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

## **ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ, ҲУДУДЛАРНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 март куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида барча соҳаларни ривожлантириш бўйича кенг кўламли вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Янги уй-жойлар, sanoat корхоналари, ижтимоий объектлар бунёд этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошди. Транспорт ва сервис инфратузилмаси ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинди.

Президентимиз вилоятга бу галги ташрифини Абдухолик Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошлади.

Абдухолик Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувон шаҳрида таваллуд топган. Аллома ислом оламида машҳур тасаввуф намояндаси Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган. Бухоро заминидан етишиб чиққан “Етти



пир”нинг биринчиси ҳисобланган аллома мангу ором топган маскан бугунги кунда табаррук зиёратгоҳга айлантирилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 16 февраль куни вилоятга ташрифи чоғида Абдухолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган “Етти пир” зиёратгоҳини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, “Етти пир” зиёратгоҳларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Абдухолик Гиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёзги айвон, ҳазира ёдгорлиги ва зиёратгоҳ қошида меҳмонхона қурилмоқда, мажмуа атрофи ободонлаштирилмоқда.

Абдухолик Гиждувоний мақбараси зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз мақбарада амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Бу ерга имом-хатибларни жалб этиб, уларга алломаларимиз маънавий меросини чуқур ўргатиш, халқимизга етказиш бўйича топшириқлар берди.

Китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда “Етти пир” зиёратгоҳларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди. Мазкур мақбаралардаги бунёдкорлик ишлари улуг алломаларимиз меросини жаҳонга кенг тарғиб этиш ва бу ерга келувчилар учун барча қулайлик яратиш мақсадида ягона концепция асосида олиб борилмоқда. Барча зиёратгоҳлар атрофи ўралиб, таҳоратхона, масжид, музей, меҳмонхона, чойхона, автомобиллар тўхташ жойлари, эсдалик буюмлар ва китоб савдо расталари барпо этилмоқда, ҳудуди тўлиқ ободонлаштирилмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз ғояси асосида “Етти пир” мажмуаларини зиёрат қилиш битта йўналишдан бошланади. Яъни вилоятга ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспортида келган сайёҳлар зиёратни Хожа Абдухолик Гиждувоний ёдгорлик мажмуасидан бошлайди.

Давлатимиз раҳбари бу масканларни обод қилиш билан бирга, «Етти пир» ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбараларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Президентимиз бу санага юксак даражада тайёргарлик кўриш, унинг доирасидаги тадбирларни Абдухолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги билан ҳамоҳанг нишонлаш, халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз 2017 йили Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Ғиждувон туманидаги собиқ ип-йигирув фабрикасининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш, Ғиждувон эркин иқтисодий зонасини ушбу ҳудудда жойлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди.

“Парвоз Хумо Равнақ Транс” масъулияти чекланган жамияти томонидан собиқ фабриканинг 9 гектардан зиёд майдонида қисқа муддатда йирик лойиҳа – ип-йигирув корхонаси ташкил этилди.

Умумий қиймати 27 миллион АҚШ доллари бўлган фабрика учун Ипотека банк филиалидан ажратилган кредит эвазига Германия, Туркия, Швейцария, Япония ва Ҳиндистондан замонавий ускуналар харид қилинди. Масъулияти чекланган жамият ўз маблағи ҳисобидан бино ва иншоотларни қайта куриб, реконструкция қилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ип-йигирув ва тўқув корхонасини бориб кўрди.

Жорий йил январда ишга туширилган корхона йилига 9400 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, 5 миллион долларлик экспорт қилиш қувватига эга. Халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ички бозорга ва хорижий буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Қарийб 33 миллиард сўмлик ип-калава сотилиб, 1,1 миллион долларлик маҳсулот Россия, Туркия, Польша ва Молдовага экспорт қилинди. Айти пайтда корхона Туркияда савдо уйи ташкил этиб, маҳсулот экспорти бўйича хорижий шериклар билан музокаралар олиб бормоқда.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, иккинчи босқичда ишлаб чиқариш қуввати янада кенгайтирилиши, экспорт йилига 51 миллион долларга, иш ўринлари 1 минг 250 тага етказилиши режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев корхонада ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Яқинда АҚШ Ўзбекистон пахтасини сотиб олишга таққни бекор қилганини, бу мамлакатимиз пахта етиштирувчиларининг Америка бозорига тўлақонли киришига, хорижий нуфузли компаниялар билан бизнес алоқаларни кенгайтиришига йўл очиб берганини таъкидлади.

Эндиги навбат – пахтамизни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар экспортини янада ошириш чораларини кўришимиз зарур, деди Президентимиз.

Шу ерда Бухоро вилоятининг саноат салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Вилоятда 2019-2020 йилларда саноат соҳасида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши паст туманлар салоҳиятини ошириш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж, курилиш материаллари, тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юртимизнинг Хитой, Индонезия ва Исроилдаги элчихоналари билан инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, инфратузилмани ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Уларга мувофиқ, вилоятда пахта, мева-сабзавот, тери, жун ва кимё маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, саноат салоҳиятини 3

баробар ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Вобкент туманида 136 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туманда ўтган йили бир қатор кичик бизнес субъектлари иш бошлади. “Ekvatorial chodak group” корхонаси – шулардан бири.

Корхонани ташкил этишда Миллий банкнинг 3 миллион доллар кредити ҳамда лойиҳа ташаббускорларининг 2 миллион доллар маблағи сарфланди.

Корхонага Япония, Италия, Туркия ва Хитойдан турли операцияларни бажара оладиган ва ишни конвейер асосида ташкил этиш имконини берадиган 500 дан зиёд замонавий тикув машинаси ҳамда дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилган. Йилига 1 миллион 500 минг донагача жинси шим ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Айти кунда корхонада 500 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Ошхона фаолияти ва олисдан қатнаб ишловчилар учун транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи кўп омилларга, жумладан, барча технологик жараён корхонанинг ўзида бажарилишига ҳам боғлиқ. Корхонада кийим-кечакни бўйаш ва қайта ишлов бериш цехи ташкил этилган. Қолаверса, цехда вилоятдаги турдош корхоналарга шартнома асосида уларнинг маҳсулотларини бўйаш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳисобига қўшимча фойда олинади. Яқинда иш бошлаган пойабзал цехи Италиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Йилига бозорга 600 минг жуфт маҳсулот етказиб беради. Лойиҳа қуввати тўла ўзлаштирилгач, ишчи-мутахассислар сони қарийб мингтага етади.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш жараёнини, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди. Иқтисодий соҳадаги барча чора-тадбирлардан мақсад халқимизни рози қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш эканини таъкидлади.

Шу ерда келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Бухоро туманидаги “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ вилоятнинг бешта туманида «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган. Уларда гидропоник иссиқхоналар барпо этиш орқали экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мўлжалланган.

Эркин иқтисодий зона учун 3 минг гектар ер ажратилган. Жорий йилда 598 гектар ерда 98 та лойиҳа амалга оширилади. Улар доирасида энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этилиб, маҳсулотларни сақлаш ва қадоқлаш учун экологик тоза қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, 4 минг 300 дан

ортиқ иш ўрни яратилади. Қўшни давлатларга 64 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзида “Agro Trade” мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш, “Бухоро Варнет” хорижий корхонаси, “Banoaz Textil”, “Rus Trade” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан иссиқхона барпо этиш лойиҳалари тақдимотлари ҳам ўтказилди. Хусусан, “Бухоро Варнет” хорижий корхонаси томонидан 115 гектар майдонда замонавий иссиқхона қуриш режалаштирилган. Бир гектар ерда 300 тоннадан 560 тоннагача помидор етиштирилади, 2 мингга яқин иш ўрни яратилади. Жорий йилда 30 гектарлик иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Туркиядан ускуналар келтирилмоқда. Корхона 2019-2021 йилларда босқичма-босқич ишга туширилади.

Тадбиркорлар – Ўзбекистоннинг таянчи. Ҳаракат қилган барака топади. Тадбиркорлик ривожланса, кўплаб одам ишли бўлади, даромад олади, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятида ўзлаштирилмаган ерлар кўплиги, хориж тажрибаси ва технологияси асосида улардан фойдаланиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади. Мутасаддилар ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашиб, зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Ромитан туманидаги “VCT Cluster” хорижий корхонаси фаолияти билан танишди.

Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш борасидаги ишлар доирасида мазкур корхона учун 8 минг гектар ер ажратилган эди. 3 мингдан зиёд киши иш билан таъминланиб, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Биргина 2018 йилда 20 минг тоннадан зиёд хомашё етиштирилиб, уни қайта ишлаш натижасида 61,5 миллион долларлик даромад олинди.

Эътиборлиси, корхонага дастлаб қарийб 75 миллион доллар инвестиция йўналтирилган эди. Яъни сарфланган маблағ бир йилдаёқ ўзини деярли оқлади.

Яна бир жиҳати: шунча пахта тола сифатида сотилганда 11,5 миллион доллар бўларди. Қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотилганда 50 миллион ёки 6 баробар кўп қўшимча қиймат яратилган.

Мана, кластер қандай бўлиши керак. Тадбиркорда манфаатдорлик туйғуси, янгича дунёқараш бўлса, албатта, натижага эришади. Иқтисодиёт ишласа, ижтимоий соҳаларниям «тортади». Кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев.

Умуман, кластер пахта хомашёси етиштириш, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотларгача бўлган 8 та лойиҳани ўз ичига олади. Ип-калава ва мато ишлаб чиқариш, уларни бўйаш, тайёр кийим тикиш фабрикалари қурилиши давом этмоқда. Шунингдек, ёғ-мой заводи, чорвачилик комплекси ва озуқа ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Шу ерда Бухоро вилоятида пиллачилик, қорақўлчилик, балиқчилик ва томорқачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, замонавий узумчилик, лимончилик кластерлари ташкил этиш, суғориш

тармоқларини реконструкция қилиш, фермер хўжаликларини ёқилғи ва минерал ўғитлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид ишлар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, Қоровулбозор туманида аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишнинг намунали тизимини яратиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди. “Қоровулбозор томорқа хизмати” МЧЖ томонидан лойиҳа доирасида 3 мингдан ортиқ хонадонда мевали боғ ташкил этиш, ихчам иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2 минг 500 дан ортиқ хонадонга кўён, парранда, насли қорамол етказиб берилади.

Давлатимиз раҳбари томорқадан самарали фойдаланишга оид режаларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолига амалий кўмак бериш зарурлигини, бу озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллиги ва арзонлиги, бозорларда нарх-наво барқарор бўлишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

## **БРЮССЕЛДА “ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ТЕРИМИДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАНДАЙ БАРҲАМ БЕРМОҚДА” МАВЗУСИДАГИ МУНОЗАРА ФОРУМИ ЎТКАЗИЛАДИ**

1-3 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Танзила Норбоева, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Кудбиев ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзбекистон ипаги” уюшмалари ва Касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарларидан иборат ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан Брюсселда бўлади.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги миссияси маълумотларига кўра мажбурий меҳнатга барҳам бериш масалаларига масъул мамлакатимиз Ҳукумати вакиллари Брюссел шаҳрида “Ўзбекистон пахта теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қандай барҳам бермоқда” мавзусидаги мунозара форумида иштирок этади. Мазкур тадбир Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки, Ўзбекистон, Америка Қўшма Штатлари ва Швейцария Элчихоналари томонидан ташкиллаштирилмоқда. Форум ишида Европа комиссияси, халқаро ноҳукумат ташкилотлар вакиллари, меҳнат ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлар, пахта ишлаб чиқаришда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши бўлган компаниялар иштирок этади.

Ташриф дастуридан Европа Иттифоқи, Белгия Қироллиги, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар, Европанинг йирик ишлаб чиқарувчилари, ритейлерлари ва касаба уюшмалари бирлашмалари ҳамда етакчи Европа брендлари вакиллари билан учрашувлар ўрин олган.

Ҳукумат делегацияси Касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси бош қотиби Шаран Барроу, “Human Rights Watch” халқаро ноҳукумат ташкилоти ва бошқа халқаро институтлар вакиллари билан ҳам музокаралар олиб боради.